Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 166 (6. 357) 1987 йил 24 июль, жума. Баҳоси 3 тийин

## Замондошимиз



## Қайта қуриш фидойиси

Владимир Николаевични қисқача таърифлаганда ана шундай деб аташ мумкин. У корхона ишчилари ўртасида биринчилар каторида қайта қуриш ишига ўзининг муносабатини билдирди ва унга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

— Партия XXVII съезди, — дейди у биз билан суҳбатда, — ҳозирги вазиятни чуқур таҳлил этиб, ленинчасига революцион ўзгартиришлар йўлини белгилаб берди. Съезд сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган катта ҳақиқат сабоғи бўлди.

Владимир Николаевич шу кунларда съезд белгилаб берган режаларни амалга оширишга шахсан ҳисса қўшаяпти. У Тошкент электр механика заводида радио аппаратураларини созловчи бўлиб ишлайди. Одатда, шундай ишчилар бўладики, уларни фақат ўз цехи ва бригадасидагина эмас, балки бутун корхонада ҳам яхши билишади. Бу ҳар бир ишчи учун шарафлидир. В. Н. Червяковни корхонада каттаю-кичик яхши танийди. Бунга у ўзининг меҳнатсеварлиги, бошқалар билан хушмуомалада бўлиши, кўпчилик иши учун жон куйдириши туфайли эришган.

У коммунистдир. Шуни яхши биладики, съезд қарорларини корхонада амалга ошириш, ўзгартишлар қилиш, ишларни қайта қуриш ва жадаллаштиришда бошқаларга нисбатан ўз тажрибаси, билими ва ғайратини кўпроқ ишга солиши керак. Шундай қиляпти ҳам. Иш самарадорлигини ошириш, илғор иш усулларини ўзлаштириш, аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида астойдил тер тўкмоқда. Ўн иккинчи беш йиллик ва унинг иккинчи йили учун ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажонидил адо этаяпти, ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бораяпти.

У ўз бурчини фақат шахсий ютуқларни бойитишда деб билмайди, балки бутун коллектив ютуқларини кўпайтиришга ҳисса қўшишда деб билади. Қайта қуриш юксак иш маҳоратини эгаллаш билан биргаликда яхши ташаббусларнинг ташкилотчиси бўлишни ҳам тақозо этади. У буни яхши тушунади. Шу мақсадда жамоат ишларида ҳам актив фаоллик кўрсатяпти. Халқ назоратчилари ишини жонлантиришга катта ҳисса қўшяпти.

СУРАТДА: Н. Червяков.

Т. Каримов фотоси.

# УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

## ЮБИЛЕЙ ОБЪЕКТИ

Шаҳримизнинг Октябрь районида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги 1-кўп профилли клиник касалхонада намунали туғруқхона ишлаб турибди. Турли касалликларни даволовчи бўлимлар беморларга хизмат кўрсатмоқда. Айни кунларда шифохонани кенгайтириш чоралари ҳам кўриляпти. Унинг ёнида уч қаватли, 200 ўринли янги туғруқхона корпуси жадал қад ростлаяпти. 12-қурилиш трестининг 49-қурилиш бошқармаси, «Отделстрой» трестига қарашли 28 ва 76-қурилиш бошқармалари, «Минмонтажспецстрой»нинг 2-монтаж бошқармаси, «Таштрансспецстрой»га қарашли 37-қурилиш бошқармаси, «Промвентиляция» бошқармасининг илғор бригадалари объектда бир ёқадан бош чиқариб ишлаб суръатга суръат қўшишмоқда. Шунингдек, корпус қурилишида Тошкент политехника институтининг «Электрон» ва Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг «Факель» студент-қурилиш отрядлари кўнгиллилари жонбозлик кўрсатишяпти.

— Юбилей объектини муддатидан илгари — 7 октябрга қадар фойдаланишга топширишга аҳд қилганмиз, — дейди прораб Ниғмат Содиқов. — Шу боисдан бинокорлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдираяпмиз. Унинг самаралари объект жадал қад ростлаётганлигининг ўзиданоқ кўриниб турибди. Иш вақтида бекор туриб қолиш ҳолларига деярли йўл қўймаяпмиз. Меҳнат интизомига қатъий амал қилиб, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланаяпмиз. Натижада қувончли ютуқларга эришаяпмиз. Корпус қурилишида ҳозир пардозлаш, сантехника жиҳозларини ўрнатиш, коммуникациялаш, вентиляция ва канализация ишлари қизғин олиб борилмоқда. Объект атрофини ободонлаштиришга ҳам кенг кўламда киришилган.

Бино қурилишига 3 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган эди. Ҳозир шунинг 2 миллион 300 сўми ўзлаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган бунёдкорлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўз зиммаларига юксак мажбурият олиб ишламоқдалар. Б. Қосимов бошлиқ бригада қурувчилари, Х. Баратов бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси, Р. Аъзамов, В. Величко, Э. Муслиддинов сингари моҳир қурувчилар ойлик план-топшириқларини 110 процентдан ошириб бажаришмоқда. Қурилиш ишларининг сифати ҳам юқори бўлаётир. Натижада 7 та корпус ва 5 та блокдан иборат бўлган уч қаватли янги туғруқхонани ишга тушириш муддатлари тобора яқинлашмоқда.

Д. ИКРОМОВА.

## ҚЎШИМЧА КАСБ ЎРГАНИБ

«Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз» дейди доно халқимиз. Бу нақлга амал қилаётган Вилер Робертус бошлиқ бригада аъзоларининг ҳар бири тўрт—бештадан касб сирларини мукаммал эгаллаб олган.

Шундай бўлса ҳам улар йил охиригача яна биттадан турдош касб ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Айни кунларда кунлик нормани ошириб бажариш билан бирга кимдир пайвандчиликни, кимдир сувоқчиликни, яна кимдир ғишт теришни ўрганмоқда.

В. Робертус бошлиқ коллектив ҳақида 18-қурилиш монтаж бошқармасида ҳам, 4—трестда ҳам фақат илиқ гапларни айтишади. Бригаданинг кўпчилик бинокорлари трест ва бошқарма томонидан қимматбаҳо буюмлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Бунга сабаб қатор иш жараёнлари механизмлар зиммасига тобора кўпроқ юклатилаётганлигидир. Ҳозир бунёдкорлар Злобин усули асосида меҳнат қилиб, Юнусобод массивининг СБ—2А кварталида 108 оилага мўлжалланган турар-жой биносида монтаж ишларини олиб бораяптилар.

Бригада аъзоларининг ғайрати зое кетмаяпти. Улар олти ойлик планни муддатидан ўн кун илгари адо этдилар. Айни пайтда 22 нафар қурувчи Улуғ Октябрь 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақани тобора қизитяпти.

## БРИГАДА ШИЖОАТИ

Қўчқор Тўраев бошчилигидаги бригада аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига муносиб совға тайёрлаш ниятидалар.

Беш йилликнинг дастлабки йили планларини ортиғи билан бажарган азаматлар яқинда яна бир муваффақиятни қўлга киритдилар. Юбилей йилининг ярим йиллик плани муддатидан илгари адо этилди. Белгиланган 34 минг ўрнига 34 минг 108 квадрат метр пардозлаш ишлари бажарилди.

Қўлга киритилаётган ютуқларда бригадирнинг кўп йиллик тажрибаси катта наф келтиряпти.

Бригада бошлиғи ўн тўққиз йилдан бери коллективга етакчилик қилмоқда, ҳар бир ишда шахсан намуна кўрсатади. У бошлиқ бригада Тошкент саноат қурилиши трестига қарашли пардозлаш-қурилиш бошқармаси бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада актив қатнашиб, бир неча йилдан бери илғорликни қўлдан бермай келаяпти. Коллективда 19 нафар сувоқчи меҳнат қилади.

Илғор пардозловчилардан Ф. Болтаев, А. Тўраев, Л. Иванова, А. Абдураҳмонов, Ф. Багоутдинова кунлик нормани 115—120 процент бажармоқдалар. Бу илғорлар юбилей шарафига икки йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олишган. Бригада коллективи эса 7 ноябрга йиллик планни 130 процент бажариш мақсадида.

Д. ОБЛАЕВ.



КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун зарбдорчасига меҳнат қилаётган мебелсозлик фабрикаси ишчилари кун сайин Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақани қизитмоқдалар. Айниқса, корхона коллективлари ўртасидаги меҳнат беллашувида В. Селиванов бошчилик қилаётган бригада ишчилари алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Улар смена топшириқларини ортиғи билан адо этибгина қолмай, истеъмолчиларга юқори сифатли уй жиҳозлари етказиб беришга ҳам эришмоқдалар.

СУРАТДА: бригадир Б. Селиванов (ўнгдан биринчи) коллектив аъзолари билан янги вазифалар ҳақида ўзаро фикрлашиб оляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

## «АЪЛО» БАҲОЛАНЯПТИ

Қўйлиқ темир-бетон конструкциялари экспериментал заводи маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги билан фақат республикамизда эмас, иттифоқимиз қурувчилари ўртасида ҳам машҳур. Ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг 70 процентига Сифат белгиси босиляпти.

Кўприк плиталари, турли диаметрли қувурлар, қозиқларда ҳам бешбурчак тамғани учратиш мумкин. Айниқса, Шимолий Тюменга жўнатилаётган «ПДН» маркали ўлчами узайтирилган плиталардан тюменликлар мамнун. Плиталар ўлканинг автомобиль йўллари қурилишида ишлатилиб, қор-ёмғирли совуқ иқлимга бардош бераяпти. Буюртмачиларнинг юқори баҳосига лойиқ бўлаётган плиталарни заводнинг икки илғор бригадаси тайёрлаяпти. Уларга тажрибали ишчилардан Абдували Мирзаев ҳамда Владимир Подковалихин бошчилик қилаяптилар. Иккала коллектив ўзаро мусобақалашган. Қувончлиси шундаки, бетончиларнинг уюшқоқлиги, ғайрати туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кунлик нормада белгиланганидан 15—20 процентга ошириб бажарилмоқда. Уларнинг сафида қолоқлар йўқ. Евгений Ранзяев, Ринат Закиров, Владимир Ноздрачёв, Аҳмад Хабибуллин сингарилар ташаббускорлик кўрсатиб, ҳамкасбларига намуна бўлаяптилар.

Мусобақадош коллективлар айни кунларда шахсий тамғасига эга бўлиш учун курашмоқдалар. Айниқса, пешқадамлар фан-техника янгиликларини ўз ишларига жорий этишга эътиборни кучайтираяптилар. Бетончиларнинг эзгу ниятларидан бири барча совет кишилари қатори Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини меҳнатда муносиб зафарлар билан қарши олиш. Бунинг учун азаматлар ярим йиллик планни муддатидан беш кун илгари бажариб, дастлабки қадамни қўйдилар. Улар шу кунларда иш суръатини ҳар қачонгидан ошириб юборганлар.

М. ФЕЛЬДМАН.

## АСБОБСОЗЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

«Таштекстильмаш» заводидаги асбобсозлик цехининг пресс-формалар участкаси коллективи социалистик мусобақада пешқадам бўлди. Завод бу йил дуч келган барча қийинчиликларга қарамай, бу участка ойма-ой план топшириқларини ошириб бажармоқда. Асбобсозлар ярим йиллик программани қарийб 2 процент ортиғи билан адо этдилар, ҳозир ҳам графикдан ўзиб меҳнат қилишмоқда.

Асбобсозлик цехида корхонада биринчи бўлиб комплекс бригадалар ташкил этилди. Ана шу бригадалар муваффақият гарови бўлди, деб ҳисоблашмоқда ишчилар. Пресс-формалар участкасининг катта мастери А. Ордин ана шундай бригадалар тузишни таклиф этди. Ташаббус анча вақтгача қўллаб-қувватланмади, ниҳоят раҳбарлик ҳам меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси зарур эканлигига ишонч ҳосил қилди.

— Бу бригадаларнинг дастлабки иш кунлариданоқ унинг самарадорлиги намоён бўлди, — дейди А. Ордин ЎзТАГ мухбирига. Энди эса турдош бригадаларни баҳона қилиб бўлмайди— фақат ўзимизга таянамиз.

Участка коллективи Октябрь революциясининг 70 йиллиги шарафига оширилган мажбурият олди — 7 ноябрга қадар ўн бир ойлик программани адо этиш мўлжалланмоқда.

## Пропагандистлар бурчи

1985—86 ўқув йили партия маорифи, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий маориф системасида янги босқич бўлди. КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълимини қайта қуриш тўғрисидаги йўл-йўриқлари ўқувнинг форма ва мазмунини янгилашда муҳим омил бўляпти.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг 80 дан зиёд пропагандисти ўтган ўқув якунларини таҳлил этиб, янги ўқув йили режаларини белгилаб олмоқдалар. Улар кўпроқ ўз устларида ишлаш, мустақил равишда билимларини ошириш, сиёсий ва иқтисодий таълимда пропагандистнинг роли ва аҳамиятини ошириш бўйича қўйилган талабларни ҳисобга олмоқдалар.

— Ёшларнинг ўқувини келгусида пухта ташкил этиш, айниқса ёш коммунистларнинг назарий тайёргарлигини кучайтириш, ўқишда сифат томон кескин бурилиш ясаш режаларини белгилаб олмоқдалар.

## Волгоград чорламоқда

Тошкент шаҳар ҳунар-техника бошқармаси ва унга қарашли барча билим юртларида бу йил қаҳрамон шаҳар —Волгоград билим даргоҳларига ўқишга кириш учун аризалар қабул қилина бошлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида мардлик ва матонат кўрсатган бу шаҳар ўтган йили шаҳримиз ўғил ва қизлари учун ажойиб ҳиммат кўрсатган эди. Ўшанда 275 ўқувчи Волгоградга юборилган бўлса, бу йил 525 ўғил ва қизнинг у ерга бориб ўқиши мўлжалланмоқда.

Шу кунларда шаҳримиздаги барча ҳунар-техника билим юртларида битириш имтиҳонлари муваффақиятли ўтмоқда. Улар бир неча кундан кейин ҳунар ва ўрта маълумот эгаллаганликлари тўғрисида дипломлар оладилар. Шундай қилиб, 13 минг 100 битирувчи 136 ихтисослик бўйича шаҳримиз қурилишлари ва корхоналарига ишга йўл олади. Бошқарма ўз битирувчиларини «Главташкентстрой» қурилиш трестлари, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташсельмаш» заводи, тўқимачилик комбинати сингари кўплаб корхоналарга келиб меҳнат қилишлари учун йўлланма беради.

## РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Ҳамза район партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми якунлари ва Пленум қарорларини бажариш борасида район партия ташкилотининг вазифалари қараб чиқилди. Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова сўзга чиқди.

## БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИ

Ўзбекистон ССР А. Навоий номидаги Давлат кутубхонасида очилган кўргазмага қўйилган китоблар Ўзбекистонда социалистик революция ғалабаси ва «Ҳужум» ҳаракати, дастлабки колхозлар ташкил этилиши ҳамда Катта Фарғона канали қурилиши, зилзиладан сўнг Тошкентни тиклашда мамлакат халқлари кўрсатган қардошлик ёрдами ва энг йирик халқаро фестиваллар ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазма «Бунёдкорлик йўли» деб аталиб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланди. 12 бўлимда республикада ва унинг ташқарисида нашр этилган қарийб мингта китоб тўпланган.

Булар орасида библиографиянинг чинакам ноёб китобларига айланган асарлар ҳам бор. Булар марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилига дастлабки таржималари, газета мақолалари, Совет ҳукуматининг республикада халқ хўжалигини, маориф ва маданиятни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларидир.

Кўргазмада партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, маданият арбоблари ва олимлар билан учрашувлар бўлиб ўтади, китобхонлар конференциялари ўтказилади. (ЎзТАГ).

## КАФЕДРА ФИЛИАЛИ

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида кўприклар ва тоннеллар қурилиши билан боғлиқ темаларда самарали изланишлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотлар асосан олий ўқув юртининг «Кўприклар ва тоннеллар» кафедрасида амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда кафедра олимларининг илмий-педагогик фаолияти анча кенгайди. Шу сабабли унинг филиалини ташкил этиш тадбирлари кўрилди. Тошкентдаги Қўйлиқ кўприк ва темир-бетон конструкциялари экспериментал заводи территориясида очиш кўзда тутилган мазкур филиалнинг моддий базасини яратиш ҳам режалаштириб қўйилди.

Изланишлар учун корхона лабораториясидан ҳам фойдаланилади. Шунингдек, бу ерда студентлар диплом ишлари ва курс лойиҳалари устида ҳам шуғулланишлари мумкин.

С. ОДИЛОВА.

## ЙИРИК ИЛМИЙ КОМПЛЕКС

Тошкент механика заводи пойтахтимиздаги қатор йирик муассасалар билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштиришга, фан-техника тараққиёти ютуқларидан амалиётда кенг фойдаланишга эришмоқда. Корхонанинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернертика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда белгилаган тадбирлари диққатга сазовордир.

Тошкентда «Мотор» ўқув илмий-ишлаб чиқариш комплексининг ташкил топиши мазкур алоқанинг самараси бўлди. Бу хайрли ишда Тошкент политехника институти билан ҳамкорлик айниқса қўл келди.

Янги комплекс бир неча тадқиқот ўчоқларини ўз ичига олди. «Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системаларини бошқариш воситалари», «Машинасозликда дискертли жараёнларни бошқариш» каби лабораторияларда илмий кузатиш ишлари бошлаб юборилди.

Тошкент политехника институтининг проблемалар лабораторияси, қатор кафедралари ҳам мазкур комплекс доирасида иш олиб бораётир. Механика заводининг бир неча бўлимлари эса «Мотор» комплекси фаолиятини жонлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўқув илмий-ишлаб чиқариш комплексини мустаҳкам моддий-техника базаси билан жиҳозлаш тадбирлари кўрилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган институтлар ва корхонанинг экспериментал ва ишлаб чиқариш базалари комплекснинг моддий-техника асоси бўлиб хизмат қилаётир.

«Мотор» комплекси юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

А. АЛИЕВ.

### СССР—Сурия:

## ЕРДА ВА КОСМОСДА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ирригаторлари тузган лойиҳани амалга ошириш қўриқ ерларни ўзлаштиришда Совет—Сурия ҳамкорлигининг янги босқичи бўлиб қолади. Лойиҳада Мескене массивининг ғарбидаги 50 минг гектар қурғоқ ерни катта суғорма деҳқончилик зонасига айлантириш кўзда тутилади. Бу ерда пахта, буғдой, маккажўхори етиштирадиган давлат хўжаликларини ташкил этиш, боғлар барпо қилиш мўлжалланади. Ўзбекистон мутахассисларининг ёрдамида ҳозирдаёқ насос станциясини барпо этиш, магистрал канални қазиш бошланди.

— Мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш — Мескенени комплекс ўзлаштириш соҳасида Ўзбекистон мутахассислари сурияլик ҳамкасблари билан биргаликда ўн тўрт йилдан буён олиб бораётган катта ишнинг давомидир, — дейди Суриядаги Ҳафиз Асад номли давлат корхонасида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг эксперти В. В. Климкин. — Шу йиллар мобайнида массивнинг ҳаётдан асар ҳам бўлмаган марказий қисмидаги 21 минг гектар ер пахтазорларга, ғаллазорларга, боғ-роғларга айланди. Ҳозир бу ерда олтита давлат хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларнинг ходимлари обод поселкаларда яшамоқдалар. Биз техникани ўзлаштиришда дўстларимизга ёрдам бераяпмиз. Техника ҳам бу ерга СССРдан келтирилмоқда. Мутахассисларимиз ярим йил ичида 300 дан зиёд механизаторни тайёрладилар.

СССРнинг лойиҳаси ва иштироки билан Фрот гидроэнергетика комплекси барпо этилганидан кейин Мескененинг марказий қисмини ўзлаштириш имконияти пайдо бўлди.

— Бизнинг ирригация соҳасидаги ҳамкорлигимиз изчил, узоқ муддатли характердадир, — деб таъкидлади В. В. Климкин. — Бу ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ишонч ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ифода этади. Совет мутахассислари Мескенеда ташкил этган дастлабки давлат хўжаликларидан бири «Дружба» номини олганлиги тасодифий эмас. Совет космонавтлари Александр Викторенко ва Александр Александров билан Сурия граждани Муҳаммад Форис биргаликда амалга ошираётган космик парвоз халқларимиз дўстлигининг ёрқин далили бўлди.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

